



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 19 - oktabr

90-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Самарқанд вилояти ташкilotини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида”ги 411-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти тўғрисида”ги 458-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг 2021 йил 7 сентябрдаги (01/327-сон) мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фавқулodда вазиятлар юз берганда аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари, ёлғиз кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган oilаларга тиббий-ижтимоий ёрдам ва хайр-саҳоват кўрсатиш ишларини янада жонлантириш мақсадида, 2021 йил 10 ноябрдан 19 ноябрга қадар Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ҳисобига маблағ тўплаш ўн кунлиги ўтказилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти жамғармасига маблағ тўплаш ўн кунлигини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага;

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти жамғармасига маблағ тўплаш ўн

кунлигини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ва туман ҳокимликлари:

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти билан биргаликда ҳудудларда фаолият кўрсатаётган корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида хайрия маблағ тўплаш ўн кунлигини юқори савияда ташкил этишга;

хайрия ўн кунлиги давомида турли тадбирлар, марафонлар ўтказишга;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолатларда аҳолига Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти томонидан тўлақонли инсонпарварлик ишларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни талаби асосида ҳомийлар ёрдамани жалб этилишига, жойларда (туман ва шаҳар) захира омборларини ташкил қилиш, шунингдек, ташкил этилган омборларни зарурий воситалар билан бойитишга;

маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ўқув муассасаларида халқаро инсонпарварлик ҳуқуқий билимларини тарғиб қилиш ҳамда меҳр-шафқат хизмати ҳамшираларининг аҳоли орасида беғараз донорликни тарғиб қилишига амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Вилоят Мудофаа ишлари (Ф.Алимходжаев), Ички ишлар (Ш.Раҳмонов), Фавқулодда вазиятлар (Ў.Мейлиев) бошқармаларининг шахсий таркиби ўртасида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятига жамоавий аъзолик бадалини йиғиш юзасидан тарғибот ишларини олиб борилишини таъминласин.

5. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (О.Тўхтаев), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев) ва Ғазначилик бошқармаси (О.Ҳамдамов), Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Д.Жуманиёзов), Халқ таълими бошқармаси (З.Шодиева), Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Насимов), Мактабгача таълим бошқармаси (З.Жўраев) ва бошқа ташкилот, муассасалар ўзларининг тизимидаги ташкилотларида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг жамоавий бошланғич ташкилотлари тузилишини ҳамда уларга хайрия маблағини тўплаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилишини ташкил этсин.

6. Хайрия тадбирлари ва аъзолик маркаларидан тушган маблағларни Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти ҳисоби (х/р: 20212000900521422001, МФО: 01111, ИНН: 201213908, ХАТБ “Ориент

финанс” Самарқанд филиали)га ўтказилиши тавсия этилсин.

7. Вилоят Маданият бошқармаси (Х.Мухаммадиев), Туризм ва спорт бошқармаси (Ш.Рўзиев)га хайрия ўн кунлиги тадбирлари давомида хайрия концертлари, театрлаштирилган томошаларни, спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда улардан тушган маблағларни Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти ҳисобига ўтказиш тавсия этилсин.

8. Вилоят телевидениеси (М.Ихтиёров), “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев), “Овози Самарқанд” газетаси (Б.Раҳмонов)га хайрия ўн кунлиги доирасида ўтказиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини ташкил қилиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ж.Ураков ва Д.Мамадқуловлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов




**Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти жамғармасига маблағ тўплаш
ўн кунлигини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита**

ТАРКИБИ

- | | |
|---------------------|---|
| 1. Ж.Ураков | - Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, ташкилий кўмита раиси |
| 2. М.Арипова | - Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раиси, ташкилий кўмита раиси ўринбосари |
| Аъзолари: | |
| 3. Б.Мирзаев | - Вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи |
| 4. О.Ҳамдамов | - Вилоят Ғазначилик бошқармаси бошлиғи |
| 5. О.Инагамов | - Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи |
| 6. О.Тўхтаев | - Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи |
| 7. З.Шодиева | - Вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи |
| 8. А.Насимов | - Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи |
| 9. З.Жўраев | - Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи |
| 10. Д.Жуманиязов | - Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи |
| 11. У.Мейлиев | - Вилоят Фавкулудда вазиятлар бошқармаси бошлиғи |
| 12. С.Рафиқов | - Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши раиси |
| 13. Ф.Тошев | - “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири |
| 14. Х.Мухаммадиев | - Вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи |
| 15. И.Жабборов | - Вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи |
| 16. Лавозимига кўра | - Олий таълим муассасалари ректорлари |

17. Лавозимига кўра - шаҳар ва туманлар ҳокимлари



Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилоти Самарқанд масжиди
маблағ тўплаш ўн кунлигини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар

РЕЖАСИ

Т/р	Тадбир номи	Ижро муддати	Масъул ижрочи
1	Вилоят қорхона ва ташкилотларида хайрия ўн кунлигига бағишланган йиғилиш ва ўқув-семинарлари ўтказиш.	2021 йил ноябрь ойи давомида	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти (М.Арипова)
2	Хайрия ўн кунлиги муносабати билан фақуллодда вазиятларда аҳолини муҳофаза этиш ҳамда биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган акциясини ўтказиш.	2021 йил ноябрь ойи давомида	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти (М.Арипова), вилоят Фақуллодда вазиятлар бошқармаси (У.Мейлиев), вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ш.Раҳмонов), вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Д.Жуманиёзов), Ташкилий қўмида
3.	Хайрия ўн кунлиги муносабати билан ҳудудлардаги қорхона, муассаса ва ташкилотларда хайрия тадбирларини ташкил этиш.	2021-2022 йиллар давомида	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, қорхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари
4.	Вилоятдаги йирик қорхона, муассаса ва ташкилотларда, ҳарбий қисмларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида, таълим муассасаларида шартнома асосида фақуллодда вазиятларда ўз-ўзига ва ўзгаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган ўқувларни ташкил этиш.	Режага мувофиқ	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти (М.Арипова), вилоятдаги қорхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари

5.	Барча умумтаълим мактабларида “Санитар пост” мусобақасини ташкил этиш.	2022 йил апрель-май ойлари	Вилоят Халқ таълим бошқармаси (З.Шодиёва), Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти (М.Арипова)
6.	Хайрия ўн кунлиги муносабати билан турли хайрия концертлари, тадбирлар ва марафонлар ўтказилишини ташкил этиш.	Хайрия ўн кунлиги давомида	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти (М.Арипова), вилоят Маданият бошқармаси (Х.Мухаммадиев), Туризм ва спорт бошқармаси (Ш.Рўзиёв), Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Х.Тўхтаев)
7.	ОИТС ва ОИВга қарши курашиш мақсадида “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз” мавзусида ўқув семинарлар, кўргазмалар, танловлар ва бошқа маданий тадбирларни ташкил этиш.	Мунтазам равишда	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти (М.Арипова), вилоят Маданият бошқармаси (Х.Мухаммадиев), Туризм ва спорт бошқармаси (Ш.Рўзиёв), Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Х.Тўхтаев)
8.	Хайрия ўн кунлиги давомида амалга оширилаётган ишлар ҳамда ўтказиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.	Хайрия ўн кунлиги давомида	Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (М.Ибодуллоев), вилоят телевидениеси (М.Ихтиёров), “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” (Ф.Тошев), “Овози Самарқанд” газетаси (Б.Рахмонов)
9.	Хайрия ўн кунлиги якуни бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот тайёрлаш.	2021 йил 25 декабрга қадар	Ташкилий кўмига